

ТАНЛОВ-1443: «МАЗҲАБЛАР — БИРЛИК РАМЗИ» Қўлларни киндик остига қўйиш - суннат амал (иккинчи мақола)



14:00 / 04.10.2021 2469

Намозхон нигоҳини сажда қилинадиган жойга қаратади, қўллар киндикдан пастга, ўнг қўлнинг бош ва чиначоқ бармоқлари чап қўлнинг бўғинини ушлайди. Қолган ўртадаги учала бармоқ эркин қўйилади.

هېلع هللا ىلص ىبنللا تيأر" لاق هنع هللا ىضر رح نب لئاو نع
مامإلأ هرحا "ةرسلأ تح ةالصلا ىف هلامش ىلع هني مي عضو مجلسو
تاقث هلاجر. ةبيش ىبا نبا

Воил ибн Хужр розияллоҳу анҳудан, у зот оталаридан ривоят қилинади: «У зот айтадилар: **«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни намозда ўнг қўлларини чап қўллари устига киндик остига**

қўйганларини кўрдим».

Имом Ибн Абу Шайба ривояти.

Яна бир ривоятда бундай келади:

**ذخا: "هنا هلالا ضره ربه وبأ لاق: لاق هناع هلالا ضره لئوا وىبا نعا
(دواد وىبا مامإلا هاور) "ةرسللا تحت ةالصلا ىف فكالا ىلع فكالا**

Абу Воил розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтдилар: **«Намозда кафтнинг устига кафтни қўйиб, киндик остида ушланади».**

Имом Абу Довуд ривояти.

Аллома Зафар Аҳмад Усманий мана шу ривоятни келтириб, бундай деганлар: «Муҳаммад ибн Сирин Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ҳадис ривоят қилганларида, у зотдан «Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламданми?» деб сўрашган. Шунда Ибн Сирин раҳматуллоҳи алайҳ: «Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ҳар бир ҳадиси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдандир», деб жавоб берганлар.

Демак, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ҳар бир ҳадиси марфуъ (Расулуллоҳдан келган) эканлиги келиб чиқади. Шундай қилиб, намозда қўлларни киндик остига қўйиш суннат эканлиги собит бўлган».

**ىلع فكالا عضو ةنسللا: لاق هناع هلالا ضره اىلعا نا ةفيعحج ىبا نعا
(دواد وىبا مامإلا هاور) "ةرسللا تحت ةالصلا ىف فكالا**

Абу Жухайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Али розияллоҳу анҳу айтдилар: **«Намозда қўлни қўлнинг устига қўйиб, киндик остига тушириш - суннатдир».**

Имом Абу Довуд ривояти.

Бу ҳадис Имом Аҳмаднинг «Муснад»ида ҳам келтирилган. Ҳофиз ибн Ҳажар ўзининг «Тажриду заводи муснад ал-Баззор» асарида: «Агар ҳадис «Муснади Аҳмад»да келса, бошқа Муснадларга ҳожат йўқ», деган. Шундай қилиб, ушбу ҳадис ҳасан даражасидан тушмайди («Эълоус сунан» китоби).

Намозда қўлни киндик остига қўйиш ҳақида «Мухтасару-л-Виқоя» китобида бундай дейилган:

هتّرسللا تحت هلامش ىلع هنيمي عضي

«(Намоз ўқувчи) ўнг қўлини чап қўлининг устига қилиб, киндик остига қўяди».

Намозда қўлни киндик остида тутишнинг баъзи афзалликлари ҳақида «Музмарот» китобидан бундай дейилган:

**ظفح او ةروع ل رتس ل او عوشخ ل ل غ ل باو ع ضاوت ل ل ا ب رقا ه ن ا ل
طوق س ل ل ن ع ر ا ز ا ل ل**

«Қўлни киндик остида тутиш - камтарликка яқинроқдир, хушуъ ва аврат аъзоларини ёпилишига олиб борувчироқдир, изорни тушиб кетишдан сақлагувчироқдир».

Демак, намозда қўлни қаерда тутиш ҳолати ҳақидаги ҳадисларни мувофиқлаштириш керак бўлади. Уни эса фақат ижтиҳод қилишга қодир уламоларимиз аниқлаб берадилар.

Ҳанафий мазҳабимиз мужтаҳидлари юқоридаги ҳадисларга асосланиб, эркаклар қўлларини киндик остида тутадилар дейишган. Қолаверса ушбу ҳолат эркакларда таъзим ва хушуъга яқинроқдир.

Омин махфий айтилади, жаҳрий айтилмайди

Ҳанафий мазҳабига кўра, Фотиҳа сурасидан кейин оминни ҳар бир намозхон ичида (махфий) айтади. Барча мужтаҳид уламоларимизнинг наздларида намозда Фотиҳа сурасидан кейин «омин»ни айтиш суннат ҳисобланади. Ҳанафий мазҳаби ва моликий мазҳабида «омин»ни овоз чиқармай айтиш керак бўлади. Бунга қуйидаги маълумотларни далил қилиб келтирганлар:

1. «Омин» лафзи дуодир. Унинг маъноси «ижобат қил», яъни «дуони қабул қил», демакдир. Қандай дуо қилиш ҳақида Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бундай марҳамат қилган:

﴿يَدْعُكُمْ لَأُبْحِثِي آلَهُنَّ إِنِّي فُحِّخَ وَأَعْرَضَتْ مُكِّبَرِ أَوْغَدَا﴾

«Роббингизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилингиз! Зеро, У (дуода ва бошқада) ҳаддан ошувчиларни ёқтирмагай» (Аъроф сураси, 55-оят).

Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда бундай дедилар:

عن خيشل و بأم إله أور) عي نال ع ل ا ي ف ة و د ن ي ع ب س ل د ع ت ر س ل ا ة و د
(هنه ل ل ل ي ضر س ن أ)

«Ичида қилинган дуо ташида қилинган дуонинг етмиштасига тенг келади» (Имом Абу Шайх ривояти).

Муҳаддис Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ» асарида ушбу ҳадисни келтиради:

ي ف خ ل ا ء ا ع د ل ا ر ي خ

«Дуонинг яхшиси махфийсидир».

Демак, «омин»ни ичимизда айтсак, мазкур оят ва ҳадисларга амал қилган бўламиз.

2. Абу Воил розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у зот айтадилар:

ال و ء م ي ح ر ل ا ن م ح ر ل ا ه ل ل ا م س ب ب ن ا ر ة ح ي ال د و ع س م ن ب ا و ي ل ع ن ا ك
ن ي م ا ب ال و ء د و ع ت ل ا ب

(هنه ل ل ل ي ضر ل ل ئ ا و ي ب ا ن ع ي ن ا ر ب ط ل ا م ا م ا ل ا ه ا و ر)

«Али ва Ибн Масъуд розияллоҳу анҳумолар «(Намоз ичидаги) бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни ҳам, «аъузу»ни ҳам, «омин»ни ҳам овоз чиқариб айтишмасди».

Имом Табароний ривоятлари.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан доимо бирга юрган ҳазрат Али ва Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳумо каби ниҳоятда илмли саҳобийларнинг «омин»ни ичларида айтишлари ҳам кучли далил ҳисобланади. Бошқа бир ривоятда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ҳам «омин»ни ичларида айтиб намоз ўқиганлари таъкидланади.

Ҳанафий уламолар худди шу маънодаги, лекин бошқа саҳобаи киромларнинг исмлари зикр қилинган ривоятларни ҳам келтирадилар.

3. «Омин» лафзини Қуръондан эмаслиги ҳаммамизга маълум. Бунинг устига, ушбу лафз арабча ҳам эмас. «Аъузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм» эса Қуръонда келган, яна Аллоҳ таоло бизга Қуръон ўқиганимизда уни айтишни вожиб қилган. Шундай бўлса ҳам «Аъузу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»ни намозда ичимизда айтамыз. Нима учун энди «омин»ни овоз чиқариб айтишимиз керак?!

4. Намоз жуда ҳам машҳур ибодат ҳисобланади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз фарз бўлган кундан бошлаб ҳар куни беш вақт намозни жамоат билан ўқиганлар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир намозлари минглаб кишилар томонидан синчковлик билан кузатиб борилган.

Агар «омин»ни овоз чиқариб айтиш афзал бўлганида, у зот алайҳиссалом бу нарсани баён қилган бўлардилар ва орада ҳеч қандай шубҳа қолмас эди. Ҳолбуки, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари имомлик қилаётганларида, баъзан таълим учун биринчи сафдагилар эшитадиган қилиб «омин», деганларидан бошқа ҳеч бир далил йўқ. Айниқса, имомга иқтидо қилган кишиларнинг «омин»ни овоз чиқариб айтганлари ҳақида ҳеч қандай ривоят маълум эмас.

Рукудан аввал ва рукудан кейин қўллар отнинг думига ўхшаб кўтарилмайди

Ҳанафий ва Моликий мазҳаби уламолари намозда рукудан аввал ва рукудан кейин ёки учинчи ракатнинг қиёмига турганда қўл кўтарилмаслигини айтадилар. Бу сўзларига қуйидаги ҳадисни далил қиладилар. Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

مُكَارًا يَلِّمُ: لَأَقِفَ مَلَسًا وَهَيْلَةً لِّلَّيْلِ لَوَسَّ هَلَلًا لُّوسَرَ انِّي لَعَجْرَه
ةَالصَّلَاةِ يَفِ اَوْنِكْسَا سُمُش لِي خ بَانْدَا اَهْنَاك مُكْيَدِيَا يِعْفَار

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимизга чиқиб: «Нимага сизларни икки қўллариңизни қайсар отнинг думига ўхшаб кўтараётганиңизни кўряпман?! Намозда сокин туринглар» дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Асваддан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттобнинг аввалги такбирда икки қўлини кўтарганини кўрдим. Кейин буни қайтармади»

Имом Таҳовий ривояти.

Осим ибн Кулайб отасидан, у Алқамадан ривоят қилади: «Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу айтади: **«Сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини ўқиб берайми?»** деб намоз ўқиди. Икки қўлини биринчи мартада кўтаргандан бошқа кўтармади».

Саждага борганда аввал тизза ерга қўйилади

Саждага борилаётганда ерга яқин аъзолар бирин-кетин ерга қўйилади, яъни аввал тизза, кейин қўллар ва юз. Саждадан тураётганда ердан узоқ аъзолар биринчи кўтарилади, яъни юз, қўл, тизза. Заруратсиз ерга таяниб туриш макруҳ. «Фатавои Ҳиндия» китобида бундай дейилади:

اَلْوَاوَةُ تَبْكُرُ غَضِيْفِ ضِرَالِ يَلِ الْاُبْرُقَا نَاك اَم اَلْوَاوَةُ غَضِيْفِ دُوْحُ سَلَا دَا رَا اِذَا
مُتَّ هَتَّهٗ بَج اَلْوَاوَةُ غَضِيْفِ غُفْرَا دَا رَا اِذَا وَ هَتَّهٗ بَج مُتَّ هَتَّهٗ نَا مُتَّ هَتَّهٗ دِي مُتَّ
هَتَّهٗ دِي...

«Агар намозхон сажда қилишни хоҳласа, аввало ерга яқин бўлган аъзони (ерга) қўяди. Бас (шундай экан), аввал тиззасини, сўнг икки қўлини, сўнг бурнини, сўнгра пешонасини ерга қўяди. Саждадан турганида аввал пешонасини, сўнг бурнини, сўнгра икки қўлини кўтаради...».

«Мухтасару-л-виқоя» китобида эса:

مُتَّ هَتَّهٗ اَرْغُ فَرِي وَ رُبَّكِي وَ هَتَّهٗ دِي مُتَّ هَتَّهٗ تَبْكُرُ غَضِيْفِ دُوْحُ سَي وَ رُبَّكِي مُتَّ
هَتَّهٗ تَبْكُرُ مُتَّ هَتَّهٗ دِي

«(Намоз ўқувчи) рукудан сўнг такбир айтади ва сажда қилади. Саждага бориш асносида аввал тиззаларини сўнгра қўлларини ерга қўяди, (саждадан турганида) такбир айтади ва аввал бошини сўнгра икки қўли ва тиззаларини ердан кўтаради...», дейилган.

Воил ибн Ҳужр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда:

لَبَّقِ هَتَّهٗ تَبْكُرُ غَضِيْفِ كَحَس اِذَا مَلَسَ وَ هَتَّهٗ لَعْلَلِ اَلْاِلَّصِ لَلْاِلَّوْسَرِ تِي اَر
مَامَا لَو دَوَاد وَ بَأ مَامَا لَو هَاوِر (هتَّهٗ لَعْلَلِ اَلْاِلَّوْسَرِ تِي اَر لَو دَوَاد وَ بَأ مَامَا لَو هَاوِر)
(هتَّهٗ لَعْلَلِ اَلْاِلَّوْسَرِ تِي اَر لَو دَوَاد وَ بَأ مَامَا لَو هَاوِر)

«Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни сажда қилганларида қўлларидан аввал тиззаларини ерга қўйганларини ва саждадан қайтаётганларида тиззаларидан аввал қўлларини ердан кўтарганларини кўрдим», дейилади.

Имом Абу Довуд, Имом Термизий ривояти.

Бошқа ривоятда эса:

رَحِّيْ اَمَّاكَ هِيَ تَبْكُ رِيْلَعِ وَعُوْكَرْ دَعَبٌ رَّحُّ هُنَّ اَلصَّيْفِ رَمْعٌ نَّعْ اَنْطَفَحُ
نَعِ رَاثَاْلَا يِنَاعِمِ حَرَشِ يِفِ يَوَاحِطَاْلَا هَاوِرِ) هِيَ دِّي لَبْقِ هِيَ تَبْكُ رَعَضَوَّ وَرِيْعَبَا
(امه نَعِ هَلَلَا يَضَرَّرْ دَوْسَاْلَا وَهَمَقَلَعِ)

«Биз ҳазрат Умар розияллоҳу анҳунинг намозларидан шуни ўргандикки, у киши руку қилганларидан кейин ҳудди туя чўккалагандек чўккалар эдилар ва тиззаларини қўлларидан аввал ерга қўярдилар», дейилади.

Имом Таҳовий Алқама ва Асвад розияллоҳу анҳумолардан ривоят қилганлар.

Бу борада бир қанча ҳадислар мавжуд. Моликий мазҳабидан ташқари барча мазҳаб олимлари ушбу ҳадисларни дақиқ ўрганиб, «сажда қилишда аввало ерга яқин аъзолар ерга қўйилади ва саждадан туришда эса ердан узоқ бўлган аъзолар ердан кўтарилади», деган фикрга иттифоқ бўлганлар.

Оёқларнинг бармоқлари қиблага қараган ҳолда эгилиб, аввал тизза ерга қўйилади. Сўнгра, бурун ва пешона қўйилиб, сажда қилинади.

Демак, мусулмонларнинг бирлиги, ибодатларнинг мукамаллиги, жамиятимизнинг тинчлиги учун юртимиз мусулмонлари бир мазҳаб – Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг мазҳабига амал қилишлари ўта муҳим ва жуда зарурдир. Бу ҳақда Валийуллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳ «Ал-Инсоф фий баён сабаб ал-ихтилоф»да шундай ёзади: «Агар бир оми одам Ҳинд ёки Мовароуннаҳр диёрида яшаса, у ерда Шофеъий, Моликий ёки Ҳанбалий мазҳабларининг бирорта олими ҳам, шу мазҳабга тегишли китоблар ҳам бўлмаса унга Абу Ҳанифа мазҳабига эргашиш вожиб бўлади ва бу мазҳабдан чиқиши ҳаром бўлади».

Юқорида келтирилган намозга оид айрим масалаларнинг баъзилари суннат, қолганлари эса мустаҳаб амаллардир. Бироқ бир мазҳабга эргашиш вожиб, фитна чиқариш, турли ихтилофларга сабаб бўлиш, мусулмонлар бирдамлигига раҳна солиш эса ҳаромдир. Шундай экан, уламоларга эргашайлик, бир мазҳабга амал қилайлик. Албатта, мазҳаблар – бирлик рамзидир.

(Тамом)

Даврон Нурмуҳаммад